



Илмий-услубий,
маънавий-маърифий журнал.
Таъсисчи:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқишунослик
институтини
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)

Бош муҳаррир:
Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)

Таҳрир хайъати:

Қ. ОМОНОВ (ф.ф.д.) (бош муҳаррир
ўринбосари)
Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.) (масъул
котиб)
А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.)
А. ҚУРОНБЕКОВ (проф., ф.ф.д.)
Ш. ШОМУСАРОВ (проф., ф.ф.д.)
МУҲАММАД АЛИ (Ўзбекистон Халқ
ёзувчиси)
С. КАРИМОВА (т.ф.д.)
М. ИСХОҚОВ (проф., т.ф.д.)
А. ДОНИЁРОВ (проф., т.ф.д.)
Н. КАРИМОВА (проф., т.ф.д.)
У. ИДИРОВ (с.ф.д.)
У. МУҲИБОВА (доц., ф.ф.д.)
Д. ПЎЛАТОВА (доц., фал.ф.н.)
А. АЛИМБЕКОВ (доц., ф.ф.н.)
ГРЕГОРИ ГЛИЗОН ("New Mexico"
унив., проф.)
ОНО МАСАКИ (Цукуба унив., проф.)
ЛИ ДЖИ ИН (Ханкук чет тиллар
унив., проф.)
В. И. МЕСАМЕД (Исроилнинг Қуддус
унив., проф.)

Нашрга тайёрловчилар:

З. АЛИМОВ
Ш. ГАИПОВА
Н. АРИПДЖАНОВА
Ш. ТЎЙЧИБАЕВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Олий Аттестация Комиссияси
томонидан филология ва тарих
йўналиши бўйича илмий мақолалар
чоп этиладиган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Журнал оригинал-макет асосида
босилди.
Sharq mash'ali, 2019 йил 4-сон.
e-mail: nashriyot@tashgiv.uz
web-site: www.tashgiv.uz
Босишга рухсат этилди 25.11.2019.
Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т.
100 нусхада босилди. Буюртма №
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.

© Тошкент давлат шарқишунослик
институтини, 2019 йил

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.

SHARQ MASH'ALI

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА № 4, 2019 йил

Японшуносликка бағишланган махсус сон

Сўзбоши	Рихсиева Г. Ўзбек японшунослигининг янги уфқлари..... 3
Тилишунослик ва адабиётшунослик	Мухтаров Т., Қосимова Г. Ихара Сайкаку ижодида анъанавийлик ва новаторлик 4 Носирова С. Сравнительный анализ перевода общественно-политических терминов на японском и китайском языках 19 Халмурзаева Н. Проявление учтивости- тайгу в японском деловом дискурсе 26 Зиямухамедов Ж. Япон ва хитой адабий алоқалари..... 33 Hashimova S. Some grammatical and semantic features of doubling on example of nouns in Japanese languages 39 Мавлянова У. Кураиси луғатининг тавсифи..... 45 Назирова Ш. Япон маданияти ва тили манзараси ғарб маданияти контекстида 52 Маматқулова Х. Япон адабиётида чой маросимининг бадиий талқини 57
Тарихшунослик	Джуманиязова Ф. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек-япон алоқалари..... 70 Азизов С. Об истории и современности взаимоотношений Узбекистана и Японии 75 Петросова О. Демографическая ситуация в Японии 79
Таржимашунослик	Sugano Reiko. 原作者の主体と翻訳者の 主体 (Муаллиф ва таржимон мавзуси)..... 90 Хамидов Х., Абдурахимова Д. Япон тилидан ўзбек тилига таржимада фразеологизмларнинг берилиши.....100
Халқаро муносабатлар	Идиоров У. Япония сиёсий тизими: ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари.... 113 Жураев С. Ўзбекистон – Япония ўзаро муносабатларининг ривожланиш тенденциялари122 Сайдалиева Н., Назиров М. Особенности современной молодёжной политики: опыт Японии и Узбекистана131

		Шарапов А. Япония в современных международных отношениях147 Алимов О. Японияда қайта тикланадиган энергия манбалари ривожланишининг замонавий тенденциялари157 Касимова З. Япония маданий дипломатиясининг хусусиятлари167
	<i>Иқтисодиёт</i>	Воҳидова М. Японияда технополисларнинг инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги ўрни177 Қодирова З. Японияда миграция жараёнлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари184 Ёзиев Ғ. Япония миллий инновацион тизими самарадорлигини баҳолаш йўллари.....194 Ниязалиев Ж. Ретроспектива и анализ современного состояния инновационной политики Японии203

ЎЗБЕК ЯПОНШУНОСЛИГИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон геосиёсий саҳнасида Шарқ мамлакатларининг таъсир салмоғи ортиб бормоқда. Дунёнинг етакчи, тараққий этган мамлакатлари қаторидан кунчиқар юрт – Япония давлатининг мустаҳкам жой олгани бунинг ёрқин далилидир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган илк йиллардан бошлаб Япония билан ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган дипломатик муносабатларни йўлга қўйди. Бугунга келиб, икки мамлакат ўртасидаги ушбу алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Япония йўналиши устувор мавқе касб этмоқда. Шу жиҳатдан, ушбу юрт билан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таълим, маданий алоқаларимизни йўлга қўядиган, қўлга оладиган кадрлар тайёрлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Шу боис, 1991 йилдан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик институтида Олтойшунослик кафедраси тузилди. Бу ерда турк, корейс тиллари билан бир қаторда япон тили бўйича ҳам мутахассислар етиштирила бошланди. 1992 йилда эса алоҳида япон филологияси кафедраси ташкил топди. Натижада, япон тили ёлғиз филолог илми толибларга эмас, балки иқтисод, сиёсат, тарих, фалсафа йўналишида сабоқ олаётган талабаларига ҳам ўқитиш имконияти юзага келди. Институтда япон тили ва адабиёти йўналишида кадрлар етиштириш баробарида Япония иқтисодиёти, сиёсати, тарихи, фалсафаси йўналишларида ҳам мутахассислар тайёрлана бошланди. Ўтган йиллар давомида японшунослик бўйича, қарийб, 2 мингдан зиёд кадрлар тайёрланди. Ҳозирда ушбу битирувчиларимиз юртимизнинг Япония билан боғлиқ барча жабҳаларида фаолият олиб бормоқда.

Институтда ушбу соҳанинг ривожланишида кўплаб профессор-ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлди. Айниқса, улар орасида юртимизда япон тилини ўқитишнинг биринчи кунидан бошлаб бугунга қадар дарс бериб келаётган Сугано Рейкoning номини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирда мамлакатимиз олий таълим тизимида япон филологияси йўналишида дарс ўтаётган ўқитувчиларнинг барчаси ана шу устознинг шогирдларидир.

Японшунослик бўйича институтда бундан 28 йил муқаддам қадалган уруғ, бугун улкан, мустаҳкам мева бераётган, серҳосил дарахтга айланди. Японшунослик кичик ўқув, илмий жамоадан катта бир факультет даражасига ўсиб чиқди. 2019 йил ноябрь ойи Тошкент давлат шарқшунослик институтида Японшунослик факультети ташкил этилди. Янги факультет ташкил топиши муносабати билан институтнинг асосий илмий нашри “Шарқ машъали” журнали қўлингиздаги сонини кун чиқарюрт – Японияга бағишлади.

Журналнинг ушбу махсус сониди японшуносликнинг эртанги тараққиётида муҳим улуш бўлиб қўшиладиган илмий мақолалар ўрин олган. Улар япон тили ва адабиёти, тил ўқитиш масалалари, япон иқтисоди, сиёсати, тарихи, таржимашунослик соҳаларига йўналтирилган. Институтда янги факультетнинг ташкил топиши японшунослик бўйича ўқув жараёнини ҳамда илмий-тадқиқот ишларини бир ерга тўплаш ва ушбу соҳа йўналишларини мувофиқлаштириш имкониятини бериш билан бир қаторда, ўзбек японшунослигининг янги, мустаҳкам қадами бўлиб қолади деб умид билдираман.

Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори

Г.Ш.РИХСИЕВА